


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 11 август, № 156 (5071) Чоршанба


## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



19 йил

***Истиқлол ўзликни англаш, миллий давлатчиликни тиклаш, халқимизнинг асрий қадрият ва анъаналарига қайта жон бағишлаш баробарида, мустақил тараққиёт йўлини белгилаш имконини берди. Бугун Ўзбекистон глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида ҳам юксак даражадаги иқтисодий ўсиш суръатларини барқарор сақлаб қолаётган саноқли давлатлар сафидан мустаҳкам жой олди. Бу истиқлолнинг дастлабки йилларида Президентимиз Ислом Каримов томонидан белгилаб берилган тараққиётнинг «ўзбек модели» нақадар тўғри, оқилона сиёсат эканининг амалдаги яна бир ифодасидир.***

# ФАХР-ИФТИХОРИМИЗ МАНБАИ

**Мустақиллик ва «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси ҳақида ўйлар.**

Истиқлол фақат миллий байроқ, герб, мадҳия каби яққол рамзлардагина эмас, халқимизнинг мутлақ янги тафаккур ва дунёқарашида, ижтимоий-сиёсий фаоллигида, мулкка муносабатида, шаҳар ва қишлоқларимизнинг кун сайин кўркамлашиб бораётган қиёфасида, замонавий муҳташам иншоотларимизда, янги-янги ишлаб чиқариш корхоналарида намоён бўлмоқда.

Мустақиллик туфайли эришган иқтисодий тараққиётимизга минглаб мисоллар ва рақамлар келтиришимиз мумкин. Бу ўринда биргина мисол билан чекланмоқчимиз.

2000 йилда Ўзбекистон ташқи савдоси 6 миллиард 212 миллион АҚШ долларини ташкил қилган бўлса, 2009 йилда 21 миллиард доллардан ошди.

Бу рақамлардаги тафовут бугун Ўзбекистон саноатнинг юқори технологиялар ва чуқур илмий ёндашувни талаб қиладиган соҳаларини муттасил ўзлаштириб бораётгани билан изоҳланади. Мамлакатимиз экспортида хом ашё ўзининг салмоқли улушини юксак даражадаги қўшимча қийматга эга маҳсулотларга бўшатиб бермоқда. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги маълумотларига кўра, 2010 йилнинг биринчи чорагида 2009 йилнинг айни даврига нисбатан озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 35,1 фоиз, кимё саноати маҳсулотлари 8,3 фоиз, машиналар ва ускуналар эса 25,3 фоиз ўсган.

Бир тонна пахтанинг нархи қанчаю тайёр кийимники қанчалигини солиштиришнинг ўзи ҳаётий мисолдир. Мутахассисларнинг бир килограмм пахта билан шунча пахтадан йигирилган ип, тўқилган газлама, ниҳоят, тикилган кийим, дастурхон ё чойшаб қанча туриши тўғрисидаги ҳисоб-китобларини келтириш мумкин. Лекин соддароқ йўлни танлайлик. Бир килограмм пахта оламиз, уйимиздаги пахтали кийим-кечакдан ҳам бир кило тўплаймиз ва бу кийимларга қанча сарф қилганимизни эслаб, бир хомчўт қилиб кўрамиз. Уларнинг умумий баҳоси билан пахтаники ўртасида ўнлаб баробар зиёд фарқ чиқади.

Мустақиллик бизга хом ашёни сўнгги босқичгача қайта ишлаш имконини берди. Ваҳолонки, ўзимиз пахта етиштирган ҳолда, тўқимачилик буюмларини, асосан, четдан олар эдик. Тўй-ҳашам учун тузукроқ кийим анқонинг уруғи, ички кийим ёки чойшаб билан ёстиқжилдлар эса ғирт бошоғриқ эди. Пахтамизни бир сўмга сотсак, тайёр маҳсулотни камида ўн баробар қимматига харид қилар эдик-да. Меҳнати бизда, роҳати ташқарида эди. Устига-устак, пахтамизни олиб кетганлар, бизга сунъий толадан тайёрланган буюмларни жўнатарди. «Нафас олмайдиган» пайпоқ кийган қанча одам бир дарддан, жазирама иссиқда нейлон кўйлак кийганларнинг қанчаси бошқа дарддан азият чекарди.

Барчаси бугун мантиқсизлик бўлиб кўринади. Лекин бу — бор гап эди. Мустақил бўлмаганимизда, бу мантиқсизлик яна қанча давом этарди? Тугармиди ўзи!

Тўқимачилик, кўнчилик, гиламдўзлик — ҳар ҳолда, биз учун жуда бегона соҳалар эмас. Косибларимиз бундай буюмларни азалдан ишлаб чиқарган. Лекин саноат усулида эмас. Бугун мазкур соҳаларнинг барчаси саноатнинг муайян йўналишларига айланган. 19 йил аввал чет эллик сармоядор билан музокара қилишнинг ўзи хаёлот эди. Эндиликда эса корхоналаримизда пойабзал ҳам, гилам ҳам, ошланган теридан ишланган кийим-бош ҳам тайёрланмоқда. Техника ва технология — четники, иш ўрни, хом ашё, фойда — ўзимизники. Маҳсулотларимизга «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси қўйилмоқда. Салмоқли қисмида «Made in Uzbekistan» шаклида инглизча белги учрайди. Демак, экспортга ҳам кетаяпти. Жуда соз!

Аввалги турмушимиз билан бугунги ҳаётимиз ўртасидаги мантиқсиз тафовут, айтайлик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида ҳам яққол кўзга ташланади. Биз полиз маҳсулотлари ва мева-чевани ўзимиз етиштирар

(Давоми 2-бетда).

**Наманган:**

# БУНЁДКОРЛИК, САЛОҲИЯТ, ТАРАҚҚИЁТ



*Ватанни севмоқ иймондандир, дейдилар. Ана шу муқаддас туйғу устувор юртда ҳар доим бунёдкорликка йўғрилган янгиланишлар кўзга ташланади. Мамлакатимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Наманган шаҳрида амалга оширилаётган ўзгаришлар ҳам бунинг ёрқин исботидир.*



**Озод юртнинг обод манзиллари**

Гап шундаки, бу ерда аҳоли эҳтиёжи ҳисобга олиниб, янги тураржой даҳалари, кенгайтирилган кўчалар, замонавий иншоотлар бунёд этилаётир. Бу борада Президентимизнинг шаҳарни 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисидаги қарори асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Зеро, ушбу дастур шаҳарнинг меъморий қиёфасини яхшилаш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини комплекс жойлаштириш ва ривожлантиришни таъминлаш, шу асосда аҳоли учун муносиб шарт-шароит яратишга қаратилган бунёдкорлик ишларини янги босқичга кўтарди.

Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун эса 163 миллиард 829 миллион сўм ва 91,2 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, шу пайтгача кўплаб иншоот, йўл ва хиёбонлар қурилиши ниҳоясига етказилди. Масалан, жанубий айланма йўл ҳамда "Дўстлик" шоҳкўчаси кесишмасидаги ер ости автомобиль йўлининг биринчи навбати ишга туширилди. Натижада бу ерда транспорт тирбандлигига чек қўйилди. "Тўрақўрғон — Наманган" йўли кенгайтирилиб, унинг икки четида савдо, маиший хизмат ва сервис шохобчалари қад ростлади. Бундан ташқари, ҳар бири 540 ўринга мўлжалланган 5 та мактаб биноси, 3 та болалар спорт иншооти, 28 та коттеж қурилиши ниҳоясига етди.

— Илгари меҳмон келса, шаҳарнинг қайси жойини кўрсатишни билмай уялиб қолардик, — дейди Наманган шаҳар ҳокимлиги уй-жой қурилиши ва инвестициялар департаменти бошлиғи Нусратилла Убайдуллаев. — Унинг устига, шаҳарсозлик борасида кўп йиллик муаммолар тўпланиб қолганди. Яъни кўчалар четида узоқни ўйламай қурилган маданий-маиший, сервис иншоотлари шаҳар ҳуснига соя сола бошлаганди. Эндиликда буларга чек қўйилиб, илгаригидек, гугурт қутидек темир-бетон биноларни тиклаш тўхтатилди. Аксинча, бири-биридан шинам ва кўркам иншоотлар қад ростлаяпти. Муҳими, улар бири-бирини сира такрорламайди.

Бундай ўзгаришларни шаҳарнинг ҳар қадамида, ҳар мавзесида учратиш мумкин. Узоққа бормайлик, наманганликлар А. Раҳимов кўчасининг кечаги кунини яхши эслашади. Бу ердаги ёғ-мой корхонасидан чиққан ҳид шаҳар ҳавосини ифлослантириб келаётганди. Ҳозирда бу корхона бошқа жойга кўчирилди. Унинг ўрнида янги тураржой даҳаси, яъни 190 хонадонлик 8 та кўп қаватли уй қурилаяпти. Уларнинг ёнидаги 4 гектарлик майдонда замонавий спорт мажмуаси барпо этилаётгани эса янада эътиборлидир. Минг ўринли стадион, сузиш ҳавзаси, енгил атлетика, бокс, минифутбол манежи, оғир атлетика, кураш залидан иборат мажмуада сўнгги пардоз ишлари бажарилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

# ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

***2010 йил 10 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.***

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг учинчи ялпи мажлисини шу йил 28 августда Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кенгашда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фаолияти мамлакатда амалга оширилаётган социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларнинг эҳтиёжлари ва жараёнлари билан узвий боғлиқ. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бўлажак ялпи мажлисида ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилиш ва демократлаштиришда, кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнаши керак бўлган қонунлар ва масалалар муҳокама қилинади.

Чунончи, Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига давлат қурилиши ва бошқарув соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган бир қатор Ўзбекистон Республикаси қонунлари киритилмоқда. "Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 178[1]-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги, "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва "Давлат статистикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги, "Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Бўлажак ялпи мажлисда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган қонунларни, чунончи: "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги, "Баҳолаш фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқиш таклиф қилинди.

Ялпи мажлисда суд-ҳуқуқ тизимига доир қонунлар ҳам муҳокама қилинади. Хусусан, "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар шулар жумласидандир.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлиси кун тартибига Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси таркибига ўзгариш киритиш тўғрисидаги масалалар ҳам киритилди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинади.

Олий Мажлис Сенати қўмиталари ва Девонининг учинчи ялпи мажлисга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ишларини мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан махсус ишчи гуруҳи тузилди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

***Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, ҳудудий давлат солиқ бошқармаларининг нақд пул тушуми топшириқлари бажарилиши учун масъул тузилмалари, Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ҳудудий бўлимлари ҳамда барча туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари иштирок этди.***

Кун тартибида асосий эътибор Президентимизнинг жорий йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгилаб берилган масалаларга қаратилди. Айтиш жоизки, мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш, ёшларни, аввалambор, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратишда алоҳида аҳамият касб этади. Яъни микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 20 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолиши белгиланган.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрларига оид қарори билан белгиланган прогноз кўрсаткичлари ижросига эътибор қаратилди. Ушбу вазифани таъминлашда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ҳамда Фарғона вилоятларида айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, ҳайъат йиғилишида Президентимизнинг "Деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси ҳам таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, бозорлар ва савдо комплекслари фаолияти устидан тизимли назорат

(Давоми 2-бетда).

## МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***ХОРАЗМ. Боғот туманидаги "Kottontex" Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасига жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида 772 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилган эди.***

### Сармоя самара берди

Ушбу сармоя туфайли бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ошди. Хусусан, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 2 миллиард 147 минг сўмлик тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Шунингдек, 35 та янги иш ўрни яратилди. Айни вақтда корхонанинг экспорт салоҳияти ортиб, шу йилнинг ўтган даврида 2 миллион АҚШ долларилик маҳсулот хорижга жўнатилди.

**О. РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***НАВОИЙ вилоятида касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.***

### Ёшлар учун иш ўринлари

Жумладан, жорий йилда вилоят Бандликка кўмаклашувчи маркази томонидан ўтказилган "Бўш иш ўринлари" ярмаркасида касб-ҳунар коллежларини тугатган 4411 нафар йигит-қиз ўзлари эгаллаган касблари бўйича ишга жойлаштирилди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурига мувофиқ, йилнинг иккинчи ярмида ҳам ёшлар учун яна уч мингтага яқин янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилган.

**Ў. ЎСАРОВ.**

***ЖИЗЗАХ вилоятида янги ўқув йилига қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Хусусан, вилоятнинг шаҳар ва туманларида 24 та мактаб бозори ва 94 та мактаб ярмаркаси ташкил этилди.***

### Пештахтада — маҳаллий маҳсулотлар

Шунингдек, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари учун хизмат кўрсатадиган 27 та махсус савдо дўкони фаолиятини бошлади.

Таъкидлаш ўринлики, мактаб бозорлари ва ярмаркаларида сотилаётган ўқув қуроллари ҳамда ўқувчилар учун махсус кийим-кечакларнинг аксарият қисми маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган. Ўтган қисқа муддатда ушбу ярмаркаларда 400 миллион сўмликдан зиёд маҳсулотлар сотилди.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

## НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ТИЗИМИ РИВОЖЛАНМОҚДА

***Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, мамлакатимизда муомалага чиқарилган пластик карточкаларнинг умумий сони***

**6,84** **миллион донага етди.**

Пластик карточкалар сонининг бу қадар кўпайиши, ўз навбатида, жойларда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантиришга ёрдам берди.



***Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун яратилган қулай инвестициявий муҳит туфайли, айтиш жоизки, юртимизда аҳоли бандлиги таъминланиб, фаровонлик даражаси ошаётир.***

# ИНВЕСТИЦИЯ ФАОЛИЯТИ

## мамлакат иқтисодиёти ривожида муҳим ўрин тутади

Шу маънода, Президентимизнинг "Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони хорижий инвесторлар учун ишончли ҳуқуқий ҳимоя вазифасини ўтамоқда. Ушбу ҳужжатга кўра, 2005 йил 1 июлидан бошлаб киритилган инвестицияларнинг ҳажмидан келиб чиқиб табақалаштирилган ҳолда тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича фойда солиғи, мулк солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлови тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод қилинди. Буни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда инвестициявий фаоллик сақлаб қолинганлигининг энг асосий омилларидан бири сифатида эътироф этиш лозим.

Мазкур солиқ имтиёзлари киритилаётган инвестицияларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, инвестициялар миқдорининг ўсиб бориши тенденциясига мутаносиб равишда имтиёз муддатининг узайтирилиши тартибида амалга оширилади. Яъни тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларнинг миқдори 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда, имтиёз 3 йил муддатга, 3 миллион АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга ва 10 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлганда — 7 йил муддатга берилиши тартиби белгилаб қўйилган.

**Мушоҳада**

Мамлакатимизда инқироз шароитида инвестициявий фаоллик кузатилишининг яна бир муҳим омили аҳолининг реал даромадлари ортиб борганлиги натижасида жамғариш қобилиятининг ошганлигидир. Бу эса аҳолининг банкларга нисбатан ишончини таъминлашга қаратилган ҳукумат иқтисодий сиёсатининг амалий ифодасидир. Негаки, сўнгги йилларда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини ошириш, жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқ ставкаларини камайтириш, инфляция даражасини пасайтириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида аҳолининг ялпи ва реал даромадлари сезиларли равишда ошди, унинг харид қобилияти барқарор суръатда ўсиб бормоқда.

Сир эмаски, индустриал ривожланган мамлакатлар банк-молия тизимини қамраб олган инқироз шароитида банклар ва бошқа молия муассасалари ўз мижозлари олдидаги мажбуриятларини бажара олмасликлари оқибатида маълум қўшимча чекловлар жорий этган бир вақтда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 18 декабрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2009 йил 27 мартда маъқулланган ва давлатимиз раҳбари томонидан имзоланиб, 2009 йилнинг 7 апрелидан кучга киритилган "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддасига "Фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлаш банкнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган оралиқ тугатиш балансида акс эттирилган омонатларнинг қолдиғидан келиб чиққан ҳолда банк ва Фонд маблағлари ҳисобидан тўлиқ ҳажмда амалга оширилади" мазмунида ўзгартиш киритилди. Табиийки, бу фуқароларнинг банк муассасаларига ишончини амалда таъминлашнинг ҳуқуқий асоси бўлди.

Мазкур ўзгартиш амалда бўлган омонатлар бўйича фуқароларга қолдиқ суммаларни тўлаб бериш бўйича қуйидаги чеклашларни тўлалигича олиб ташлаш имконини берди. Яъни ўзгартиш киритилгунга қадар фуқароларнинг банклардаги омонатларига Фонд маблағлари ҳисобидан омонатларнинг қолдиғи бўйича қуйидаги миқдорларда ҳақ тўлаш кафолатланар эди. Агарда банкнинг лицензияси чақириб олинган тақдирда, лицензия чақириб олинган кундаги ҳолатга кўра, омонатлар қолдиғи қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваригача миқдорда бўлганда — тўлиқ ҳажмда, агар омонатларнинг қолдиқлари энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ортиқ бўлса, лицензия чақириб олинган кундаги ҳолатга кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридан кўп бўлган омонатлар қолдиқ суммасининг 90 фоизи миқдорида, лекин қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки юз эллик баравари миқдоридан ортиқ бўлмаган суммада қайтарилиши белгилаб қўйилган эди.

Шу нуқтаи назардан, 2010 йилда ҳам иш ҳақини камида 30 фоизга, реал даромадларни эса 23 фоизга оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг ижросига оид ишларнинг натижаси ўлароқ, жорий йилнинг ўтган олти ойи мобайнида мижозларнинг банк муассасаларидаги депозитлари қолдиғи 67,2 фоизга, аҳолининг кредит ташкилотларидаги маблағлари 78,1 фоизга кўпайишига эришилган. Худди шу даврда кредит ташкилотларида аҳоли депозитлари умумий миқдорида муддатли ва жамғарма омонатларининг улуши 86,6 фоизга етган. Натижада банкларнинг жами активлари ўтган йилнинг ярим йилидагига нисбатан 5,1 триллион сўм ёки 34,3 фоизга ошган.

Мухтасар қилиб айтганда, инвестиция фаоллигини рағбатлантиришга қаратилган иқтисодий сиёсат жорий йилда ҳам изчил амалга оширилмоқда. Банклар ресурс базасининг янада ошганлиги иқтисодиёт реал сектори корхоналарига кредит ажратиш ҳажмини сезиларли даражада кўтарди. Хусусан, банкларнинг иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирган кредит қўйилмалари қолдиқлари 2009 йилнинг биринчи ярим йиллигидагига нисбатан 37,5 фоизга ошган. Ана шундай саъй-ҳаракатлар, айтиш керакки, мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратди. Ушбу фаолиятни иқтисодий дастаклар орқали қўллаб-қувватлашни давом эттириш эса, табиийки, юртимиздаги иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида сақланиб қолади.

**Эркин ЮСУПОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси.**

## Наманган:

# БУНЁДКОРЛИК, САЛОҲИЯТ, ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шаҳарда барпо этилаётган иншоотлар ўзаро уйғунлашиши керак. Йирик корхоналар қурилишида ҳам ана шу нарса ҳисобга олинмоқда. Буни "UzChasys" қўшма корхонаси мисолида яққол кўриш мумкин. Автомобиль фара ва фонарлари ишлаб чиқариш бўйича минтақада ягона бўлган ушбу корхонанинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у полимер қуйиш, ультрабинафша ишлов бериш, вакуумли алюминлаштириш сингари янги технологиялар билан тўлиқ жиҳозланган. Ҳозир бу ерда "Нексия" ва "Матиз" ёритиш тизимлари учун 18 турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Корхонанинг йиллик қуввати эса 250 минг донани ташкил этади. Бу Ўзбекистон ва МДҲ бозорларига чиқарилаётган автоуловларимиз ҳамда уларга хизмат кўрсатиш тармоқлари эҳтиёжини тўлиқ қоплайди, деганидир. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Корхонада ишлаётган маҳаллий ёшларнинг компьютер ёрдамида технологик жараёнларни маҳорат билан бошқараётганликларини кўриб, рости, қувонасан, киши.

Халқимиз ана шундай билимли, зукко ёшларимизга ишонади, уларнинг кучи ва салоҳиятига таянади. Шу боис юртимиз бўйлаб амалга оширилаётган ўзгариш ва янгиланиш замирида ёшлар учун қулайликлару кенг имкониятлар яратиш мақсади мужассамдир. Наманган шаҳридаги бунёдкорлик ишлари ҳам буни тасдиқлаб турибди. Зеро, бу ерда улар учун янги мактаб, коллеж ва лицей бинолари қурилмоқда, спорт мажмуаси, марказу хиёбонлар барпо этилмоқда. Давлатобод даҳасида бунёд этилаётган 22,7 гектарлик "Камолот" боғи шулар жумласидандир. Бу лойиҳага кўра, боғ марказига 10 та замонавий аттракцион ўрнатилади. Шунингдек, бу ерда сузиш ҳавзаси, мусиқа мактаби, гимнастика зали, болалар ижодиёт марказии ва ширинликлар хиёбони ишга туширилади.

— Осмонга ўрлаган стелла устида кўкка парвоз қилиб турган қўш турна рамзи туширилган Тинчлик майдони бугун қутлуғ масканга айланди, — дейди меҳнат фахрийси Маматвали Турғунов. — Ҳозир фуқаролик паспорти олаётган ёки оила қураётган ёшлар бу жойни зиёрат қилиб, бахти ва орзу-умидларини тинчлик тимсоли бўлган турналарнинг сарбаланд парвози билан боғламоқдалар.



Маматвали ака нафақага чиққунга қадар турли соҳаларда меҳнат қилган. Шу боис шаҳардаги катта-кичик ўзгаришни дарров пайқайди, уни кечаги кун билан таққослайди ҳамда ёшларни Истиқлол берган азиз неъмат — тинчлик-хотиржамликни, Юртбошимизнинг уларга бўлган меҳри ва ғамхўрлигини қадрлашга, Ватанга муносиб фарзанд бўлишга чақиради. Тунов куни у ўзи истиқомат қиладиган Бунёдкор маҳалласи ёшларидан бир гуруҳини янги барпо этилган ҳашаматли "Ёшлар маркази"га етаклаб келди.

— Бу мажмуада билимни мустаҳкамлаш, ҳунар ўрганиш, бўш вақтни мазмунли ўтказиш учун барча шароит яратилган, — дейди уларни кутиб олган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлими мудири Зиёдулла Ҳакимов. — Ҳозирда ёшлар шу ернинг ўзида 16 йўналишда билим олиб, ҳунар ўрганмоқдалар. Айниқса, "Бунёдкор ёшлар" телеклуби, инновацион ва рационализаторлик, ахборот-ресурс, бандлик, ёш дизайнерлар, уста-шогирд марказлари ўғил-қизлар билан доимо гавжум.

Қисқаси, Истиқлол туфайли Наманган шаҳрининг қиёфаси тамомила ўзгариб, майдони 300 гектарга кенгаймоқда. Бу ерда бири-биридан муҳташам иншоотлар, йирик корхоналару кўркам даҳалар барпо этилиши кўзда тутилган. Улар эса, табиийки, мафтункор ва гўзал Наманган шаҳри ҳуснига ҳусн қўшади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** Наманган шаҳридаги бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

**Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган суратлар.**

**Тадбир**

***Самарқанд шаҳридаги "Ёшлар маркази"да Адлия вазирлиги ташаббуси билан жамиятда ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш масалаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

# ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ ВА ЖАМИЯТ

Унда жойларда адлия идоралари томонидан жорий йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган ишлар, жамият олдида турган ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасидаги вазифалар ҳамда "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мазмун-моҳиятига эътибор қаратилди.

Таҳлилларга кўра, ўтган олти ой давомида вилоят адлия бошқармаси томонидан тадбиркорлар, фуқаролар ва хорижий инвесторларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид 308 та шикоят кўриб чиқилган. Бу борада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида тегишли ташкилот ва муассасаларга тақдимномалар киритилди. Шунингдек, 98 нафар айбдор шахсга нисбатан интизомий жавобгарлик чоралари кўрилди.

Тадбир сўнгида тажрибали мутахассислар томонидан журналистларнинг бу борадаги саволларига атрофлича жавоблар берилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИЖАНОБ ВА ГЎЗАЛ ИНСОНЛАР ЯШАЙДИ

***Ўзбекистон тарихий обидалари, халқининг маданияти ва анъаналари, гўзал табиатию замонавий шаҳарлари билан кўплаб мамлакатлардан сайёҳларни жалб қилмоқда. ЎзА мухбирлари улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.***

**Ўзбекистон — хорижликлар нигоҳида**

**Салоҳ СУЛТОН (Кувайт):**

— Кўплаб мамлакатларда бўлганман. Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бугун Ўзбекистонни бутун дунё яхши билади. Бу ўринда ўзбек заминининг гўзаллиги ва саховатинигина эмас, бутун жамиятда рўй бераётган ўзгаришларни назарда тутмоқдаман. Сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётир. Буни юртингизда қад ростлаётган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонга ҳар гал келганимда, турли меҳмонхонага жойлашаман. Бу гал "Марказий" меҳмонхонасини танладим.

Ҳар сафар мамлакатингизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларидан чин дилдан қувонаман. Бу заминда яшаб ўтган юксак тафаккур соҳиблари, буюк алломалар қолдирган илмий-маънавий, ноёб ва мўътабар мерос авайлаб-асраб келинаётганига, уларни ўрганиш борасидаги ишларга ҳавас қилса, арзийди.

**Янис КРУМИНЬШ (Латвия):**

— Ўзбекистон иқтисодиёти жадал тараққий этмоқда. Мамлакатингиз улкан салоҳиятга эга ва шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмоқда. Латвия ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорликни юксак қадрлашини биламан. Ўзбекистонда самарали банк тизими шаклланган. Шу боис молиявий муассасалар жуда фаол ва муваффақиятли иш олиб бормоқда.

Тошкент том маънода гуллар шаҳри. Пойтахтингиздаги гўзал майдонлар, хиёбонлар, кенг ва равон кўчалару муҳташам бинолар атрофини қуршаб турган гулзорларни кўриб, бунга тўла амин бўлдим. Тошкент, айни ёз палласи бўлишига қарамай, ям-яшил. Бу ерда гулчиликнинг истиқболи жуда порлоқ.

Мамлакатингиздаги тинчликка, осойишталик ва фаровонликка ҳавас қилса, арзийди. Бу юртингизда демократияни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, халқ фаровонлигини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари, деб биламан.

**Аман АГАРВАЛ (Ҳиндистон):**

— Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи ошиб бормоқда. Кўплаб мамлакатларнинг етакчи фирма ва компаниялари юртингизга тўғридан-тўғри сармоя киритишга қизиқиш билдирмоқда. Ўзбекистон ривожланган мамлакатлар ва обрўли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошираётир. Мамлакатингизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга талаб ортиб бораётгани ҳам Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча соҳалари, хусусан, саноат жадал тараққий этаётгани ва халқ фаровонлиги юксалаётганидан далолатдир.

Пойтахтингизда шу йил баҳорда ўтказилган "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда ҳамда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлисида иштирок этдим. Ўзбекистонда ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали ишлаб чиқарувчиларнинг қўллаб-қувватланиши иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолиш имконини берди.

Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, унинг экотуризм, маърифий ва жисмоний саёҳат каби турларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бугунги Тошкент энг хушманзара шаҳарлардан бири саналади. Бу ерда замонавий ва юқори сифатли хизмат кўрсатувчи меҳмонхоналар жуда кўп. "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида тўхтадим. Бу мажмуа маҳобати, ўзига хос меъморий ечими билан ҳам эътиборимни тортди.

**Баҳия МАЛАКАР хоним (Малайзия):**

— Ўзбекистондек гўзал мамлакатга келганимдан жуда бахтиёрман. Сафар асносида юртингизда барча соҳаларда, жумладан, тўқимачилик саноатидаги ислоҳотлар туфайли эришилаётган юксак самараларнинг гувоҳи бўлдим.

Шуни ишонч билан айта оламанки, Ўзбекистон мода ва дизайн соҳасининг равнақ топиши бўйича дунёда етакчи давлатлар орасидан мустаҳкам жой олган. Чунки юртингизда бу соҳани ривожлантириш учун барча зарур шароит — иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик, ажойиб ғояларга эга ёш кадрлар мавжуд. Энг муҳими, бу заминда юксак фазилатли, сурати ҳам, сийрати ҳам гўзал инсонлар яшайди.

Юртингизга келишимдан асосий мақсад тўқимачилик ва мода соҳасида фаолият юритаётган корхоналар билан танишиш ҳамда савдо шартномалари имзолашдан иборат. Ўзбекистонлик шериклар билан ҳамкорлигимиз янада ривожланишига ишонаман.

**Мадина УМАРОВА,**
**Нодира МАНЗУРОВА**
**ёзиб олди.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

йўлга қўйилганлиги туфайли улар даромадидан маҳаллий бюджетга тушумлар кўпайди. Бу борада прогноз кўрсаткичлари ортиғи билан бажарилди. Шундай бўлса-да, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё ва Наманган вилоятларида бу борадаги ишлар етарли даражада эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Республикасининг "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуни ижроси юзасидан Тошкент ва Бухоро вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижалари муҳокама қилиниб, зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сонли қарори билан тасдиқланган "Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги Низом" талабларига асосан, давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилаётган ишларнинг аҳволи танқидий кўриб чиқилди.

Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланишини қисқартириш борасидаги қонунийликни таъминлаш юзасидан қилинаётган ишлар сифат ва самарадорлигини янада ошириш, аниқланган камчиликларни бартараф этишга доир кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан Сирдарё, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро ва Тошкент вилоятлари солиқ органлари раҳбарларининг ҳисоботлари тингланиб, фаолияти танқидий баҳоланди. Муҳокамалар якунига кўра, фаолиятида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйган ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбар ходимларидан 31 нафарига нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиниб, солиқ идоралари олдида турган долзарб вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**ДСҚ Ахборот хизмати.**

# ФАХР-ИФТИХОРИМИЗ МАНБАИ

## Мустақиллик ва «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси ҳақида ўйлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

эдик. Лекин олма, ўрик, шафтоли ёки помидор шарбатини ичиш учун бу маҳсулотларни узоқ-узоқларга жўнатишга, қайта ишланиб, катта устама нарх билан қайтиб келишини кутишга мажбур эдик. Қадоқлаш техникасини биздан сир тутишарди. Бугун бундай шарбатларни кўплаб корхоналар, жумладан, қатор қўшма корхоналар ишлаб чиқармоқда. Танлаб-танлаб оламиз. Ҳаммасида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси бор.

Маиший техника ҳақида гапирганда ҳам 19 йил аввалги ҳолат кишини таажжубга солади. Бугун маиший техника дўконлари, асосан, миллий маҳсулотлар билан тўлдирилган. «Sino», «Roison», «LG», «PGS» каби брендлар билан телевизор, видеотехника, музлаткич, кондиционер, кир ювиш машинаси, газ плитаси, лифт, ҳатто электрон ўчоқ ишлаб чиқараяпмиз. 19 йил аввал эса оддий магнитофон олиш учун тижорат дўконида навбатга ёзилиб, ҳафта-ўн кун навбат бузилмаётганига ишонч ҳосил қилиш учун уни назорат қилиш керак бўларди.

Истиқлол туфайли биз замонга мос турмуш кечирмоқдамиз. Ҳозир кўзимиз ўрганиб кетгани боис ҳаётимиздаги кўпгина янгиликларга эътибор бермаймиз. Айтайлик, илгари ҳамманинг уйида бозор-халта, гўшт-халта бўлар эди. Халталаримиз тез-тез йиртилганидан ямоққа тўлиб кетарди. Целлофан пакетда бировга нарса берсак, идишини қайтиб олардик. Қиммат ва камёб эди-да. Бугун ундай ҳаёт тасаввуримизга ёт бўлиб кетган. Чунки нима харид қилманг, сотувчи чиройли идишларга жойлаб беради. Бўлар экан-ку!

Илгари қўшниси мебель сотиб олгани туфайли касал бўлиб қолган одам ҳақида латифа бўларди. Бугун у латифа билан бирор кишининг кулгисини қистатиб бўлмайди. Мебель керак бўлса, дўконда ўн-йигирма хилини кўрсатишади. Қониқмасангиз — каталогда турфа ранг ва бичимдаги юз-икки юз хилини ҳавола қилишади. Танлайсиз, корхонадан тўғри уйингизга элтиб, ўрнатиб беришади: «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган»!

Очиғи, кўзимиз ўргангани боис бугун кўп янгиликларга эътибор ҳам бермаймиз. Лекин, адиб айтганидек, «ҳақиқатни, гарчи, уни ҳеч ким талаб қилмаётган бўлса-да, таъкидлаб туриш керак». Узоққа бориш шарт эмас. Хонадонимиздаги буюмларга бирма-бир разм солгандаёқ аввалги турмуш билан бугунги ҳаёт ўртасидаги фарқ яққол кўринади. Томдаги черепица, эшик ва деразa ромлари, парда, қандил, стол-стул, меҳмонхона ва ошхона мебеллари, гардероб, музлаткич, дори қутисининг ичидагилар, кондиционер, телевизор, DVD, гилам, пойандоз ва ҳоказо. Гараждаги автомашина. Ҳаммаси ўзимизники. Ҳаммаси навбатда турмасдан, танлаш имконияти билан харид қилинган.

Энг илғор технологияларни, илмий-техникавий изланишларнинг энг сўнгги ютуқларини жалб қилишни тақозо этадиган автомобилсозлик мустақилликнинг Ўзбекистон иқтисодий ҳаётидаги яна бир ёрқин тантанаси бўлди. Ўзбекистондаги конвейерлардан дастлаб «Дамас», «Нексия», «Тико» ва «Матиз» чиққан бўлса, кейинчалик улар сафига «Ласетти», «Такума», «Эпика», «Каптива» қўшилди. Мамлакатимиз автомобиллари хорижда, жумладан, Россияда энг харидоргир автомобиллар сафидан жой олди. Автомобиль бозоридаги рақобатга унча-мунча компания дош беролмайди. Энг харидоргир мақомига эришиш эса янада мушкул. Биз эса эришдик! Эришгандаям, қисқа вақт мобайнида эришдик! 19 йил аввал, жилла қурса, оддий велосипед ишлаб чиқарадиган корхона қуришни орзу қила олмаган мамлакатимиз тарихан ғоят қисқа вақтда эришди бунга!

Мустақилликнинг улкан имкониятлари Ўзбекистон нефть-газ кимёси соҳасида ҳам кенг намоён бўлмоқда. Масалан, табиий газдан полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқариш мумкинлигини 19 йил аввал ҳам билган бўлишимиз мумкин. Лекин маълум сабабларга кўра, мумкин эмаслиги туфайли бу ишга қўл урмаганмиз. Истиқлолнинг шарофати билан қўл ура олдик. Айни пайтда бу соҳада юзлаб турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани ва минглаб юртдошларимиз иш билан таъминланганини таъкидлаш ҳам ўринли. Жанубий Африка Республикасининг «Sasol» компанияси билан кўмирдан ёқилғи ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқдамиз. Энергетик хавфсизлик, ёқилғи таъминоти масалалари дунё миқёсида долзарблашиб бораётган бугунги кунда бу айни мақсадга мувофиқ ишдир. Шундай эса-да, 1991 йилдан аввал бу тадбирга киришгудек бўлсак, «мақсадга мувофиқ эмас!» қабилидаги тақиқ сўзларига дуч келишимиз тайин эди.

Истиқлол даврида биз «логистика» сўзининг мазмун-моҳиятини англаб етдик ва минтақамиздаги, ҳатто МДҲ доирасидаги энг йирик логистика марказини барпо эта бошладик.

Мустақиллик Ўзбекистонда автобус ва юк ташиш машиналари, автокранлар ишлаб чиқариш саноати вужудга келганида ҳам намоён бўлади.

Истиқлол йилларида ҳаво кемаларимиз паркидаги эски техникани ўзимизда ишлаб чиқарилган «Ил-114» русумли янги самолётлар эгалламоқда.

Хўш, булардан фахрланмай, қувонмай бўладими?!

Болалар спортини ривожлантириш соғлом келажакни тарбия қилиш, демакдир. Бугун мамлакатимизда юздан ортиқ хилдаги спорт анжоми ишлаб чиқарилмоқда. Гимнастика, кураш, бокс, таэквондо, теннис, енгил атлетика, футбол, баскетбол, волейбол ва ҳоказо. Фарзандингиз қайси спорт турига қизиқади, у қатнашаётган секцияга нималар керак, балки ҳовлингизга теннис столи ўрнатмоқчидирсиз?! Марҳамат — «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган», четникидан асло қолишмайди, кафолати ҳам бор. 19 йил аввал фитнес-марказ нима, деган саволга ўн минг, юз минг кишидан биттаси жавоб бера олармиди?

Албатта, мустақилликнинг бугунги ҳаётимиздаги иньикосию самарасини санайверса, адоғига етишнинг иложи йўқ. Биргина «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» деган белгининг ўзи бу фикрни осонгина тасдиқлаб турибди. Бу белги билан чиқаётган маҳсулотлар орасида оддий кийим-кечак ёки шарбатдан энг замонавий автомобиль ва самолётгача — ҳаммаси бор. Киши ўз қўли билан бирор буюм ясаса, меҳнатининг маҳсулидан бир ҳисса қувонади. Мамлакати бирор янги маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганда эса ўн чандон қувонади. Қалбида ғурур жўш уради. Бугунги кенг кўламли модернизациядан, янги илғор технологияларнинг жалб этилишидан, янги инновацион ғояларнинг қўлланилишидан хулоса қилиб, ишонч билан айтиш мумкинки, келгусида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» белгиси қўйилган маҳсулотлар тури янада кўпаяди. Биз бу маҳсулотларга кўплаб хорижий давлатларда ҳам дуч келамиз ва истиқлолимиздан, Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз эришаётган бундай улкан ютуқлардан қалбимиз фахр-ифтихорга тўлаверади! Бундан катта бахт борми оламда?!

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport

**Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида ўзбек жанг санъати бўйича энг улуғ, энг азиз байрам — юртимиз Истиқлолининг 19 йиллигига бағишланган "Мустақиллик кубоги" республика турнири бўлиб ўтди.**





# МУСТАҚИЛЛИК КУБОГИ СОВРИНДОРЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Мусобақанинг тантанали очилиш маросимида сўзга чиққан ўзбек жанг санъати федерацияси раҳбари Пўлат Усмонов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларни тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли кураш, белбоғли кураш, "Турон" яккакураши, улоқ-кўпкари каби миллий спорт турлари халқаро майдонда кенг оммалашаётганини алоҳида таъкидладилар. Ўтган йили улар қаторидан ўзбек жанг санъати ҳам жой олди.

Табиийки, қисқа фурсат мобайнида бу йўналишда кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди. Дастлаб халқаро талабларга жавоб берадиган ушбу спорт турининг қонун-қоидаси, либоси, мусобақа жараёнида ишлатиладиган атамалари ишлаб чиқилиб, мутахассислар кўригидан ўтказилди. Жойларда кўргазмали семинарлар, конференциялар ташкил этилди. Айни пайтда юртимизда 30 мингга яқин йигит-қиз 400 дан зиёд мураббий ва мутахассисдан ўзбек жанг санъати сирларини ўрганмоқда. Қувонарлиси, ўзбек жанг санъати бўйича бу каби тадбирлар нафақат юртимизда, балки хориж мамлакатларида ҳам ташкил этилмоқда. Жумладан, ўзбек жанг санъати федерацияси мутахассислари 2009 йилда Россия, Қозоғистон ва Жанубий Кореяда ўтказилган спорт анжуманларида миллий спортимизни халқаро ҳамжамият эътиборига ҳавола қилишди. Жанг кураши халқаро федерацияси мазкур спорт турини дунёга янада кенгроқ танитиш мақсадида, Кураш халқаро ассоциацияси билан ҳамкорликда йирик мусобақаларда кўргазмали чиқишлар уюштириш, хорижлик мутахассис ва спортчилар учун жанг кураши бўйича илмий-амалий семинарлар ташкил этиш, уларнинг малакасини ошириш, халқаро миқёсда фаолият юритадиган кадрлар тайёрлаш каби масалалар билан фаол шуғулланмоқда.

Шу йилнинг 3-7 июнь кунлари Италияда яккакураш спорт турларининг W.A.S.C.O йўналиши бўйича навбатдаги жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Аҳамиятлиси, унинг дастурига ўзбек жанг санъати ҳам киритилди ва ушбу миллий спортимиз бўйича бошқа мамлакатлар вакиллари ҳам гиламга чиқдилар. Бундай нуфузли беллашувда илк бор қатнашган юртимиз ўзбек жанг санъати усталари 7 та олтин, 3 та кумуш ва битта бронза медални қўлга киритдилар.

Ўзбек жанг санъати — соғломлаштириш, қўл жанги, темурийлар жанг усули ва жанг кураши каби йўналишларни ўзида мужассам этган. Ушбу йўналишлар билан 7 ёшдан 70 ёшгача бўлганлар бемалол шуғулланишлари мумкин. Ҳар бир йўналиш бўйича дастурлар мавжуд. Боғча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари ва коллеж, олий ўқув юртлари талабалари ҳамда катта ёшдагилар учун алоҳида-алоҳида дастурлар асосида машғулотлар олиб борилади. Умуман олганда, азалий қадриятларимиздан озиқ олган, ота-боболаримиздан мерос яккакураш усулларидан ташкил топган ушбу спорт тури инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Чунки унда жанговар машқлар билан бир қаторда нафис ҳаракатлар ҳам талайгина.

"Мустақиллик кубоги" республика турнири ғолибларига шу йилнинг сентябрь ойида Жанубий Кореяда ўтадиган яккакураш спорт турлари бўйича Бутунжаҳон фестивалига йўлланма берилиши сабабли барча вазн тоифаларида курашлар қизғин кечди.

— Комплекс машқ бажаришда олтин медаль билан тақдирландим, — дейди Тошкент вилояти вакили Ҳусан Исмоилов. — Дзюдо ва каратэда ҳар бир машқ японча номда айтилса, ўзбек миллий жанг санъатида улуғ аждодларимиз номлари билан аталади. Шу сабабли бу спорт тури менга маъқул бўлди. Унда ётган рақибга зарба бериш ман этилади. Насиб этса, халқаро турнирларда ҳам Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиламан.

Якунда умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни Бухоро вилояти спортчилари эгалладилар. Иккинчи ўрин Андижон, учинчи ўрин эса Сурхондарё ва Қашқадарё вилояти жамоаларига насиб этди.

**З. ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**М. АМИН (ЎзА) олган суратлар.**

# МУЗЕЙНИНГ ФАОЛ ТАРҒИБОТЧИСИ

***Музейлар ўтмиш ва бугунни боғловчи кўприкдир. Шу боис юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, мазкур соҳа ривожига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимизнинг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони асосида соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар сабаб музейлар фаолияти янада такомиллаштирилиб, уларнинг экспозицияси миллий қадриятларимизга мос тарзда янги-янги ноёб топилмалар ҳисобига бойитилаяпти.***

Шунингдек, халқимизнинг бой тарихи, маданияти, илмий салоҳияти, фидойи инсонлари ҳаётини ўзида акс эттирган бир қатор музейлар ҳам ташкил этилдики, бу, албатта, соҳада амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасидир.

Бугунги кунда мамлакатимизда 1200 та музей ва музей-қўриқхоналар мавжуд. Уларнинг ҳар бирида минглаб экспонатлар, кўргазмали манбалар бор. Табиийки, томошабинлар мазкур экспонатлар тарихидан кенг бохабар бўлиш, ўзларини қизиқтирган саволларга қониқарли жавоб олишни исташади. Бунда эса экспозицияларни мукаммал шарҳлай олувчилар, яъни музей экскурсоводларининг ўрни беқиёс.

Ҳозир "Ўзбекмузей" жамғармаси тизимидаги музей ва музей-қўриқхоналарда уч юз нафардан зиёд экскурсоводлар, юзлаб илмий ходимлар фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг аксарияти бир неча хорижий тилларда эркин мулоқотга кириша оладиган, жаҳон санъати ва маданияти тарихини пухта ўзлаштирган ёш мутахассислардир. Айниқса, пойтахтимиздаги Халқ амалий санъати музейи, Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи, Қатағон қурбонлари музейларида етук малакали кадрлар фаолият кўрсатаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Табиийки, музей экскурсоводлари томошабинларни ҳар бир экспонат тарихи билан яқиндан таништиришлари, унинг дунё тамаддунидаги ўрни ҳақида етарлича маълумот бера олишлари керак. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, музейларда фаолият юритаётган экскурсоводлар ўз йўналишлари бўйича чуқур билим ва кўникмага эга бўлишлари талаб этилади. Бинобарин, геологияга ихтисослашган музей экскурсоводи маъданлар, фойдали қазилмалар ҳақида тўлиқ маълумот эгаллаши лозим бўлса, табиат музейи мутахассиси юртимиз табиати, наботот ва ҳайвонот оламини мукаммал билиши даркор.

**Маънавият**

Эътироф этиш керак, сўнгги йилларда "Ўзбекмузей" жамғармаси ҳамда "Ўзбектуризм" компанияси ўртасида ҳамкорлик алоқалари анча яхшиланди. Масалан, Самарқанд музей-қўриқхонаси қошида ҳар икки ташкилот ҳамкорлигида экскурсоводлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курслари ташкил қилинган бўлса, Бухоро давлат музей-қўриқхонасида туристик бюро мавжуд. Ушбу масканларда ҳар икки ташкилотга дахлдор бўлган, тўртта хорижий тилни биладиган 25 нафар мутахассис фаолият кўрсатади. Бу эса хорижий давлатлардан келган сайёҳларнинг кўнгилли дам олишларини таъминлаш билан бирга, малака оширишга келган мутахассислар учун юртимиз тарихи, осориатиқалари ҳақида тўла маълумот олиш имконини беради.

Бизнингча, "Ўзбекмузей" жамғармаси қошида нафақат тизим учун, балки, "Ўзбектуризм" миллий компанияси учун ҳам экскурсоводлар тайёрлаш марказларини очиш, янгидан-янги сайёҳлик бюролари, сервис хизматларини ташкил этиш суръатини янада жадаллаштириш лозим. Зеро, бундай саъй-ҳаракатлар маънавий меросимиз хазиналари бўлмиш музейларнинг нафақат маънавий, балки моддий манфаатдорлигини ҳам таъминлайди. Экскурсоводлар музейнинг юзкўзи экан, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишга жиддий ёндашиш, мутахассисларнинг эгаллаган билими "Ўзбекмузей" жамғармаси қошида ташкил этилган илмий кенгаш тасдиғидан ўтишига жиддий аҳамият қаратиш лозим. Тўғри, соҳа ходимларини рағбатлантириш, уларнинг малакасини ошириш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан "Энг билимдон экскурсовод", "Энг ёш экскурсовод", "Энг кўп хорижий тилларни билувчи экскурсовод" номинациялари бўйича фестиваль ва танловлар мунтазам ташкил этилиб, ғолиблар рағбатлантирилиб борилмоқда. Ушбу тадбирлар, ёш мутахассисларнинг ўз устида ишлаши, изланиш олиб бориши ва билимларини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис айни пайтда "Ўзбекмузей" жамғармаси ташаббуси билан ҳам янгича лойиҳаларни амалга ошириш, мутахассисларни рағбатлантириш борасида кўрик ва беллашувлар ташкил этиш кўзда тутилмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда жаҳон миқёсида экотуризмга катта эътибор қаратилмоқда. Бу моддий манфаатдорлик келтирувчи соҳага айланиб бораётганлиги барчага аён. Экотуризмни ривожлантириш, экологик музейлар ташкил қилишда бизнинг юртимизда ҳам беҳисоб имкониятлар мавжуд. Шуни инобатга олган ҳолда бугун очиқ табиат қўйнига саёҳатлар уюштириш, ушбу масканларни минтақалар тарихини яхши биладиган экскурсоводлар билан таъминлаш вақти етди. Негаки, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос экоиқлими, флора ва фауна дунёси мавжуд бўлиб, бу ҳар бир сайёҳнинг эътиборини жалб этиши, қизиқиш уйғотиши, унутилмас таассуротлар қолдириши, шубҳасиздир.

**З. КАРИМОВ,**
**Республика «Ўзбекмузей» жамғармаси раиси.**

***Польшанинг Котова шаҳрида 20 ёшгача бўлган спортчилар ўртасида шахмат бўйича жаҳон чемпионати қизғин давом этмоқда.***

## НАФИСА ПЕШҚАДАМЛИККА ДАЪВОГАР

Жаҳон чемпионатининг қизлар ўртасидаги баҳсида вакилимиз Нафиса Мўминова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда. Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони Нафиса Мўминова мусобақанинг тўртинчи ва бешинчи турида словениялик иқтидорли шахматчи Анна Музичук ва россиялик гроссмейстер Ольга Гиря билан дуранг ўйнади. Юртдошимиз олтинчи турда мезбонлар вакили Мария Гоцинякни енгиб, ўз очколарини 5 тага етказди ва турнир жадвалининг учинчи поғонасига кўтарилиб олди. Нафиса кейинги турда тўртинчи ўринда бораётган қозоғистонлик Гулисхон Нахбоевага қарши дона суради.

Ўсмирлар ўртасидаги мусобақада қатнашаётган шахматчимиз Александр Касьян олтинчи турда ҳиндистонлик Сунил Допаджа устидан зафар қучиб, очколарини 4 тага етказиб олди. Ҳозир у турнир жадвалининг 20-поғонасида бормоқда.

## ТЕННИСЧИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

***Цинциннати (АҚШ) шаҳрида теннис бўйича йирик халқаро турнир бошланди.***

Мукофот жамғармаси 2 000 000 АҚШ долларига тенг бўлган нуфузли мусобақанинг биринчи босқичида ҳамюртимиз Оқгул Омонмуродова япониялик Кимико Дате-Крумга қарши кортга чиқиб, 6/1,6/2 ҳисобида ғалаба қозонди. У иккинчи босқичда сербиялик теннисчи Бояна Йовановски билан куч синашади.

**У. ҲАКИМЖОНОВ тайёрлади.**

Спорт

# ҚОРАҚАЛПОҚ РАССОМЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

***Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида очилган "Ҳур ўлка ранглари" деб номланган бадиий кўргазмада қорақалпоғистонлик рассомларнинг ижод намуналари намойиш этилди.***

Бадиий академиянинг Қорақалпоғистон бўлими, Қорақалпоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Бадиий кўргазмалар дирекцияси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур кўргазма Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишланди.

Кўргазма очилишида сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида юртимизда тасвирий санъатни янада ривожлантириш, унинг бетакрор ва қадимий анъаналарини ёшларга асл ҳолича етказиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг юксак эътибори ва ғамхўрлиги туфайли бунёд этилаётган кўргазма заллари, музейлар, санъат галереялари, болалар мусиқа ва санъат мактаблари ёшлар таълим-тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Санъат**

Бу борадаги хайрли ишлар Қорақалпоғистонда ҳам кўплаб амалга оширилмоқда. Қорақалпоқ тасвирий ва амалий санъатининг тобора ривожланаётгани, унинг бетакрор анъаналари билан ихлосмандларнинг яқиндан таништирилаётганлиги, ижодкорларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги, ёш истеъдод соҳибларининг рағбатлантирилаётганлиги фикримиз далилидир.

Сарсенбой Бойбўсиновнинг "Оқ гуллар", Юсуф Отажоновнинг "Аёзқалъа", Нурсултон Шариповнинг "Овулда оқшом", Гулистон Абдураҳмоновнинг "Оналик", Абдулла Ражабовнинг "Қирғоқдаги шаҳар" ва бошқа ўттиздан зиёд қорақалпоқ ижодкорларининг тасвирий санъат асарларида она-диёрни севиш, атроф-муҳитни асраб-авайлаш, самимий, меҳнатсевар ва бағрикенг халқимизга эҳтиром мавзулари кенг тарғиб қилинган.

**А. ҲИДОЯТОВ.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

HYUNDAI

**«HYUNDAI MOTOR COMPANY»нинг**
**Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори**
**«DONGNAM UZ MOTORS CO., LTD»**
**мамлакат минтақаларида дилерлик тармоқларини ривожлантириш мақсадида барча қизиқиш билдирган шахслар ва ташкилотларни ҳамкорлик қилишга таклиф этади.**

**Ҳамкорлик қилиш соҳаси** «HYUNDAI» русумли янги енгил автомобилларни сотиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш бўйича дилерлик келишувини тузиш.

**Номзодларга қўйиладиган асосий талаблар:**

- камида 150 м² бўлган ўз сервис-маркази ва автосалонига эга бўлиш;
- корхонани ривожлантириш бўйича ўз бизнес-режасини тақдим этиши лозим.

Барча саволлар бўйича Тошкентдаги қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
(+99871) 250-11-11, (+99890) 185-63-30, (+99898) 301-31-70.
www.hyundai.com.uz e-mail: hyundai-motors@mail.ru

657R/824

## ОБ-ҲАВО (11 август)

**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 22-27, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 20-25, кундузи 37-42 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси 22-27, кундузи 38-43 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 20-25, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 20-22, кундузи 38-40 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

*Сиз учун манфаатли шартларга асосланган «Умид» омонатини таклиф этади.*

**Омонатга маблағлар 15 ой муддатга йиллик 25% миқдорида даромад тўлаш шарти билан қабул қилинади. Омонат бўйича ҳисобланган фоиз даромадлари омонат шартномаси амал қилиш муддати давомида мижознинг ихтиёрига кўра, унинг биринчи талаби бўйича берилиши таъминланади.**

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.

Қўшимча маълумотларни (8-371) 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Тошкент врачлар малакасини ошириш институти жамоаси Педиатрия ва болалар овқатланиши кафедрасининг доценти **Шавкат САЙИДҒАНИЕВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар адлия бошқармаси жамоаси бошқарма шартномавий ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими бошлиғи Зафар Олимовга укаси **Ғулом ҲАМЗАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания, қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.
Тел.: 232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz
Буюртмалар шу йилнинг 20 августигача қабул қилинади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 703. 41762 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 22.00 1 4 5